



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**OLIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**  
**FARG‘ONA POLITEKNIKA INSTITUTI**

**«JADIDLARNING ILMIY-PEDAGOGIK MEROSI: TARIX VA  
ZAMONAVIYLIK» mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani  
materiallari  
(1 - to‘plam)**



*Farg‘ona shahri  
29-30 mart 2024-yil*

**“Jadidlarning ilmiy-pedagogik merosi: tarix va zamonaviylik”** mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari to‘plami. (2024-yil 29-30 mart). O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining 2024 yil 18 yanvar kungi 16-son buyrug‘i ijrosini ta’minlash maqsadida 2024-yil 29-30-mart kunlari Farg‘ona politexnika institutida “Jadidlarning ilmiy-pedagogik merosi: tarix va zamonaviylik” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman bo‘lib o‘tadi.

Ushbu to‘plamda xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari o‘rin olgan. To‘plamda oliy va o‘rta ta’lim muassasalari, ilmiy tekshirish institutlari, Jadidlarning ilmiy-pedagogik merosini o‘rganishga bag‘ishlangan ilmiy izlanish natijalari keltirilgan.

***Anjuman tashkiliy qo‘mitasi:***

Salomov O‘.R. FarPI rektori, t.f.d., professor

Dehqonov Sh.M. FarPI YOBI, MMB Birinchi prorektor, i.f.b.f.d.

Kambarov J.X., FarPI o‘quv ishlari bo‘yicha prorektor, t.f.d.

Jaxongirov I.J. FarPI o‘quv ishlari bo‘yicha prorektor, i.f.d.

Toxirov M.Q. FarPI fakultet dekani, t.f.b.f.d.

Radjabov Q.K. – O‘zFA Tarix instituti professori, t.f.d.

Sulaymonov M. Farg‘ona O‘zbekiston ;

Ergashev Sirojiddin Fayazovich, Farg‘ona, O‘zbekiston ;

Alimova Nargiza, Farg‘ona, O‘zbekiston;

Qozoqov Tohirjon, Namangan, O‘zbekiston;

Kamilov A. A. FarPI kafedra mudiri t.f.n.

Tuxtarov I. M. FarPI kafedra dotsenti f.f.n.

Yusupov A. A. - FarPI kafedra dotsenti v.v.b., t.f.b.f.d.

Xonqulov Sh.X. - FarPI kafedra dotsenti v.v.b., t.f.b.f.d.

***Taqrizchilar:*** Alimova N. FarDU, kafedrası mudiri, Shaxodjayev M. FarPI dotsenti.

***Mas‘ul muxarrirlar:*** A.Kamilov, Sh.Xonqulov.

Mazkur to‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuniga hamda tanqidiy fikr-mulohazalarga mualliflarning o‘zlari shaxsan mas‘uldirlar.

6. Парпиев А. Жадидчи Обиджон Маҳмудовнинг фаолиятидаги янги қирралар // "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal. 2021. №6. - Б.204.
7. Ражабов К. Маҳмудов Обиджон Абдухолиқович // Ўзбекистан миллий энциклопедияси. Т.5. - Тошкент: "Ўзбекистан миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2003. - Б.369.
8. Обиджон Маҳмудов. Эски барокатлик савдогарчилиги // Садои Фарғона. №22. 1914 йил 23 май.
9. Обиджон Маҳмудов. Фарғонада банк очмоқ // Садои Фарғона (Фарғона), 1914 йил 14 сентябр, № 59.
10. Обиджон Маҳмудов. Эски барокатлик савдогарчилиги // Садои Фарғона (Фарғона). 1914 йил 23 май. №22..
11. <sup>1</sup> Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исқонжасида (19 аср иккинчи ярми - 20 аср бошлари). – Тошкент: Шарқ. 2006. – Б.134.
12. Обиджон Маҳмудов. Эски барокатлик савдогарчилиги // Садои Фарғона (Фарғона). 1914 йил 23 май. №22..
13. Ўзбекистон миллий архиви, И-17-фонд, 1-рўйхат, 317-иш, 183-варақ.
14. Комилов Н. Туркистон жадидларидан Обиджон Маҳмудовнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий, маданий фаолияти (1871-1936-й.й.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Андижон, 2021. – Б. 18
15. Комилов Н. Туркистон жадидларидан Обиджон Маҳмудов фаолияти маҳаллий ва чет олимлари нигоҳида The Light of Islam: 3-сон. 2020. 60 бет

## **БУЮК МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИД**

*Азимжон Давронов*

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети**

**Аннотация.** Ушбу мақолада буюк маърифатпарвар адиб Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг жадид мактабларида юритган педагогик фаолияти ва у мактаблар учун яратган дарсликлар ҳақида маълумот берилди.

**Калит сўзлар:** Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, маърифатпарвар, педагог. "Енгил адабиёт", "Ўқиш китоби", "Қироат китоби", "Мактаби дор ул-айтом".

**Аннотация.** В данной статье представлена информация о педагогической деятельности великого писателя-просветителя Хамзы Хакимзаде Ниязи в современных школах и созданных им учебниках для школ.

**Ключевые слова:** Хамза Хакимзаде Ниязи просветитель, педагог. «Легкая литература», «Книга для чтения», «Выразительное чтение», «Мактаби дар ул-айтом».

**Annotation.** This article provides information about the pedagogical activities of the great enlightened writer Hamza Hakimzada Niyazi in modern schools and the textbooks he created for schools.

**Key words:** Hamza Hakimzada Niyazi, enlightener, pedagogue. "Light literature", "Reading book", "Recitation book", "Maktabi dar ul-aytom".

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий XX аср ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ўрин ва мавқега эга бўлган адибдир. Ҳамза буюк маърифатпарварлар Исҳоқхон Иброт, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпонлар қаторида миллат тараққиёти йўлида жонини фидо қилган жадибдир. Ҳамза ўзбек адабиётига лирик шоир сифатида кириб келган. Кейинроқ ўзини жадиб маърифатпарвар шоири ва ёзувчиси сифатида танитган. Ҳамза – драматург. Унинг драматургия йўналишида яратган асарлари катта салмоққа эгадир. Бу салмоқ нафақат ўз ижодида балки барча замондошлари ижодида майдонга келган асарлар орасида ҳам оғир тош босади. Бу салмоқ фақатгина ўзбек драматургиясидагина эмас, балки жаҳон драматургиясида ҳам эътиборга лойиқ. Ҳамза – ўзбек драматургиясининг асосчисидир. Ҳамза публицист сифатида ҳам қалам тебратган. Унинг публицистикасида майдонга келган мақолалар ҳеч қачон долзарблигини йўқотмаган.

Ҳамза ўзбек халқининг маданияти ва санъатига ҳам салмоқли ҳисса қўшган адибдир. Ўзбекистон республикасининг вилоятларида фаолият юритаётган театрларнинг деярли барчаси Ҳамзанинг шахсий ташаббуси, унинг драматик асарлари билан очилган ва танилган. Ҳамза театрларда режиссёр, актёр, суфлёр сифатида фаолият юритиб, ушбу соҳада фаолият юритувчиларга намуна кўрсатган. Ҳамзанинг музика соҳасида олиб борган ишлари алоҳида мавзу. У бастакор сифатида ҳам фаол бўлиб, бу йўналишда ҳам самарали натижаларга эришган. Буюк истеъдод соҳиби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди XX аср ўзбек адабиётшунослигининг улкан муаммосига айланди. Натижада, ўзбек адабиётшунослиги таркибида ҳамзашунослик деган илмий йўналиш пайдо бўлди. Бу йўналиш XX асрнинг 20-йилларида бошланиб, бугун ҳам ўз ривожланишида давом этмоқда. Ҳамзашунослик йўналиши бир неча фанлар кесимида тармоқларга бўлиниб кетди. Олимлар Ҳамза ижодининг

турли қирраларини ўргандилар[1]. Жумладан, адабиётшунос олимлар Ҳамза асарларининг шакл ва мазмун, жанр ва хусусият хуллас, барча жиҳатларини ўргандилар[2]. Жумладан, тилшунос олимлар Ҳамза асарларининг тили[3], педагоглар педагогик рисоалари ва таълимий қарашлари[4], файласуфлар фалсафий қарашлари[5], тарихчилар ижтимоий-сиёсий қарашлари ва фаолиятининг муҳим жиҳатларини тадқиқ қилдилар[6].

2024 йилнинг 7 март куни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудига 135 йил тўлди. Ҳамза – серқирра ижодкор. Ҳамза – шоир, ёзувчи, драматург, публицист. Ҳамза – бастакор, режиссёр, актёр, суфлёр. Ҳамза – маърифатпарвар педагог. Мазкур мақолада Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг жадид маърифатпарвари сифатидаги педагогик фаолияти, педагогик рисоалари ва таълим-тарбия масалаларига бағишланган “Мақтаби дор ул-айтом” номли публицистик мақоласи ҳақида фикр юритамиз.

Ҳамза 1910 йилда Бухородан Тошкентга келади. Тошкентда жадид мактабларидан бирига кириб ўқийди ва муаллимлик гувоҳномасига эга бўлади. Сўнг, Тошкентнинг Қашқар дарвоза маҳалласида “Усули савтия” мактабини очади ва ўша мактабда муаллимлик фаолиятини бошлайди. 1911 йилда Қўқонга келади. Қўқоннинг Ҳожибек гузарида янги усулдаги мактаб очади ва бир йилча вақт давомида фаолият юритади. Шу билан бирга камбағал оилаларнинг болаларини пулсиз ўқитиш мақсадида “Ёрдам жамияти” ташкил этади. Ушбу жамият ёрдамида катта ёшдаги кишиларни ўқитиш учун 2-4 ойлик кечки мактаб ҳам очади. Бу ҳақда Ҳамзанинг ўзи таржимаи ҳолида қуйидагиларни ёзади: “1910 йилда Қашқар дарвоза маҳалласида биринчи марта усули савтия мактаби очдим. Шу кундан муаллимликка киришдим. 1911 йилда Хўқандда очиб, бир йил давом этгандан кейин, 50 сўм ақча тўплаб, Афғон- истон, Ҳиндистон, Макка, Мадина, Шом, Бейрут билан саёҳат қилиб, Стамбулга ўқишга келган

бўлсам ҳам, ўзим қочиб борган учун, отам ҳамда бир рус қизидан уйланган оилам юборган очулик хатларидан кўркуб, қайтдим”[7; 294] . Гувох бўлганимиздек, Ҳамза Тошкент ва Қўқонда бир мунча вақт муаллимлик қилгач, чет эл сафарига боради. Ҳамза чет эл сафарига ўз ихтиёри билан бормайди, оиласи ва яқин қариндош уруғларини ташлаб кетишга мажбур бўлади. 1914 йилда Ҳамза чет эл сафаридан қайтади ва Қўқоннинг Беквачча маҳалласида камбағал оилалар фарзандлари учун янги усулдаги ”Мақтаби дор ул-айтом” (“Етим болалар мактаби”)ни очади. Бу мактабнинг 1-синф ўқувчилари учун “Енгил адабиёт”, 2-синф ўқувчилари учун “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби” дарсликларини ёзади. Ушбу дарсликлар ўқувчилар ёшига мос, содда, тушунарли тилда ёзилади. Ҳамзанинг мазкур дарсликларга киритилган шеърлари, қизиқарли масал ва ҳикоялари ўзбек болалар адабиётини бошлаб беради. “Мақтаби дор ул-айтом”нинг фаолияти узоққа чўзилмайди. Мактаб очилганига эндигина 4 ой бўлганда, шаҳар ички ишлар бўлими томонидан тинтув қилинади. Мактаб фаолияти болалар учун хавфли деб топилади ва ёпиб қўйилади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи таржимаи ҳолида қуйидагиларни ёзади: ”Марғилондан яна Хўқанд келиб, бир қанча ўзимга яқин кишилар тўплаб, уларнинг ёрдами билан йўқсул болалар учун пулсиз ўқутуш мактаби очдим. 20-30 кундан кейин 15-16 киши бир ойгина ёрдам бердилар; ўзим 4 ойча давом эттиргандан кейин, уяз начальниги (Мединский) томонидан тинтув бўлуб ёпилди. Лекин ҳеч бир қандай қоғозларим қўлига тушмагани учун қамалмай қутулдим. Ҳозирда ҳам шул иона варақалар имзолар билан сақланадур” [11; 294-295].

Тиниб-тинчимаган Ҳамза, “Дор ул-айтом” мактаби фаолиятини сақлаб қолишга қанчалик ҳаракат қилмасин мактаб ёпилади. Мактаб ёпилгач, аҳоли орасида мажлислар чақириб, “Ғайрат” номли кутубхона ташкил этади. Бу ҳақда Ҳамзанинг ўзи таржимаи ҳолида қуйидагиларни ёзади: “... Ундан сўнг кечки курс давом эттируб юруб, 1915 йилда яна мажлис

чақириб, китобхона, қироатхона каби масалаларни ҳал қилиб, “Ғайрат” исминда китобхона очдирдим. Бундин мақсад бугунгача ёзилган асарларими баъзиларин ўз сармоям билан босдирган бўлсам ҳам, улар майдароқ бўлуб, бошқаларин шул китобхона исминдин босдириш эди. Лекин китобхонамиз очилгандан сўнг, 1910 йилдан бери меним мажлис ва мактабларимга бутун кучи билан қарши келиб турган бойвачча унсурлар кириб қолиб, асарларим уёнда турсин, ўзимни ҳам суруб чиқардилар. Ҳозирда материалим билан бирга билувчи ҳаёт кишилар ҳаммалари деярлик бордур. 1917 йилгача асарларимни босдириш, асар ёзиш, газетага мақола ёзиш, лошмон воқеалари ҳақида турли мажлислар қилиш билан давом этдим” [12; 295]. Ҳамза “Садойи Фарғона” газетасининг 1914 йил 17 сентябрь сонидида “Мактаби дор ул-айтом” ҳақида мақола эълон қилади. Мақолада мактабнинг номи, мақсади ва вазифалари ҳақида маълумот беради. Мақоланинг кириш қисмида мана бундай фикрлар ёзилади: “Биз келдик масжид, ё мадраса, ё мактабхоналар масаласина. Мана, Мисрда “Жомеъ ул-азҳор”, Истамбулда “Султон Аҳмад”, Шомда “Жомеи Умавия” ёхуд мактаблар Қозонда “Муҳаммадия”, Оренбургда “Ҳусайния” ва ал-хосил ҳар бир мамлакатларда бўлгон ҳар бир мадраса, масжид ва мактабхоналарни ўзига махсус бир исм-лари вордирки, Ғарбда, Шарқда ўлсун қўлига газета тутган кишилардан юқоридаги мактаб ва мадрасаларни кўрмаганлари бўлса ҳам эшитмаганлари ва унвонини билмайдурганлари камдир... Мана, бизда буларга қиёсан Бекбачча маҳалласидаги мактабимизни “Дор ул-айтом” унвони билан юрутмакни ижтиҳод этамиз. Демак, “Дор ул-айтом” ўлмоғига бир оз сабаб ёзуб ўтмоқда лозим келди” [13; 241-245].

Ҳамза ёзган мақоланинг мазмунидан англаш мумкинки, у чет эл сафарида юрган кезларда Миср, Истамбул, Шом, Қозон ва Оренбург шаҳарларида чиройли ва мазмунли номи, самарали ўқитиш тизими билан машҳур бўлган мактаблар фаолияти билан яқиндан танишган. Ҳамза ҳар

бир мактаб у дунёнинг қайси давлатида бўлмасин, ўзининг ўқитиш тизими, тарбияланиб камолга эришган ўқувчиси билан машхурлик мақомини ушлаб туришини истаган. Ана шундай мактабни ўз юрти Қўқонда ҳам очишни орзу қилган. “Мактаби дор ул-айтом”ни ана шу орзу ва мақсади йўлида очган десак, тўғри бўлади. Етим ва камбағал оилалар болаларини саводли қилишга бел боғлаган, Ҳамзанинг мазкур мақоласини таҳлил қилар эканмиз, мактаб ишини ривожлантириш мақсадида қилинган мана бундай мазмундаги тарғиботларини ўқиймиз: “Дор ул-айтом”га Хўқанднинг ҳар тарафидан ўлсин фақир болалар шубҳасиз қабул қилинадур. Фақат дафтар, қаламдан бошқа китобларғача ҳатто мактабдан бериладур... Токи шояд ҳар бир газетани қўлига олган ислом қардошларимиз исломиятлари уйғониб, иона ҳаваси ва фақирларнинг тарбия орзуси кўнгилларига тушса, хусусан боён ва аҳли давлатларимизни... Мактаби “Дор ул-айтом” учун ҳар ойда иона берувчиларнинг ионалари ва исмлари: Биринчи. Ҳожи Абдулвоҳид домла маҳрум ўғлилари – эллик тийин. Иккинчи. Мулла Абдулазиз Абдурахимбой ўғлилари – ўттиз тийин. Учинчи. Мулла Тўражон Аҳрорхон ўғли – эллик тийин. Тўртинчи. Мирзоҳид Мироқилов – эллик тийин. Бешинчи. Мулла Абдулла қори Ҳакимов – эллик тийин. Олтинчи. Мулла Мирсалим қори – эллик тийин. Еттинчи. Мирусмон Муҳаммад Собирий. Саккизинчи. Мулла Маҳмуджон Мирбарот ўғли – қирқ тийин. Тўққизинчи. Мулла Аҳмад Охун ҳожи Муҳаммадбоев – эллик тийин. Ўнинчи. Мулла Абдураззоқ Миршариф ўғли – қирқ тийин. Ўн биринчи. Бўронбой Миртожибоев – қирқ тийин. Яна ионага қўшулганлари газета орқали эълон қилинса керак” [14; 241-245]. Ҳамза очган мактабнинг бошқа жаҳид мактабларидан фарқи шунда эдики, у камбағал ва етим болаларни бепул таълим беради ва ўқув қуроллари билан таъминлайди. Ҳамза ана шундай эзгу мақсадни кўзлаган ва бу ишга ўттиз, қирқ, эллик тийин моддий ёрдам берган кишиларни исм фамилиясини газетада эълон қилиб

рағбатлантириб борган ва бу рағбат орқали уларнинг сонини кўпайтириш умидида бўлган. Ҳамза 1914 йилнинг декабрь ойида “Садон Фарғона” газетасининг муҳаррири Охундийнинг ёрдами билан Марғилонда мактаб очади. Лекин бу мактаб ҳам саккиз ойдан сўнг, Скобелев (Фарғона) маориф раҳбари томонидан ёпилади. Бу ҳақда шоир таржимаи ҳолида шундай ёзади: ”1914 йилнинг охирида ҳозирги “Фарғона” газетасининг муҳаррири ўртоқ Охундийларнинг ғайрати билан Марғилонда мактаб очдим. Саккизинчи ойгача бормай, Андреев исминдаги Скобел маориф раҳбари томонидан мажбурий ёпилди. Бунга сабаб Марғилонда аввалдин давом этиб турган мактаб ҳамда туземний рус мактаби муаллими Қудратилла қорининг Андреевга бериб турган ахборидир... ” [15; 294]. Ҳамза очган мактаб ва унинг фаолияти ватандошлар ичидан чиққан айғоқчи (“қулоқ”)Қудратилла қори томонидан Андреевга етказилган ва натижада мактаб тугатилган.

Шундай қилиб, Ҳамза Тошкент, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида қайта-қайта мактаб очади. Мазкур мактаблар учун содда ва тушунарли дарсликлар яратади. Минг афсуски, у мактабларнинг фаолияти ҳар гал узоққа чўзилмайди. Чор мустамлакаси айниқса мактаб ишига тиш-тирноғи билан тўсқинлик қилади. Ҳамзанинг маърифатпарварлик фаолиятига тўсиқлар қанча кўп бўлмасин, у умрининг охиригача миллат маърифати йўлида курашдан чарчамади. Унинг ҳар бир ҳаракати миллатни жаҳолатдан қутқаришга қаратилган эди.

Хўш, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва ижоди ёки унинг педагогик рисолалари, педагогик фаолияти бугунги янги давр учун қанчалик долзарб? Ҳамза “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби” каби 1-2-синфлар учун яратган педагогик рисолаларида мактабга бориш, китоб ўқиш, мукаммал билим олиш, мустаҳкам диний эътиқод эгаси бўлиш, гўзал ахлоқ-одоб ва таълим-тарбияни тарғиб қилди. Бугун китоб, газета, журнал ўқийдиган одамлар сони камайиб кетди. Миллатнинг маданияти ва

маънавиятини юксалтириш учун китобларга қайтишимиз керак. Мана нима учун долзарб жадидлар яратган ғоялар, асарлар. Ҳамза “Мақтаби дор ул-айтом” мақоласида мактабга муносиб ном қўйиш ҳақида фикр юритган. У илгари сурган масалани бугун нафақат мактаб, бошқа ташкилот ва муассасалар номига қиёс қилсак, изоҳга ҳожат қолмайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳамза ҳақида мақолалар. Тошкент, 1960 йил. Ҳамза замондошлари хотирасида. Тошкент, 1979 йил. Ҳамза ижоди ҳақида тадқиқотлар. Тошкент, 1981. Ҳамза ижодининг проблемалари. Тошкент, 1988 йил. Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Фарғона, 2019 йил.
2. 1)Қаюмов Л. Ҳамзашунослик тарихидан; 2)Қаюмов Л ва М.Аминова. Ҳамза Ҳакимзоданинг эстетик қарашлари; 3)Ғуломов Б.Ҳамза поэзиясида хотин-қизлар озодлиги мотивлари;4) Мўминов Ғ. Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди; 5)Камолова Р. Ҳамза Ҳакимзоданинг илк поэтик тўплами (“Девони Ниҳоний” ҳақида); 6)Мухторова Х. Ҳамза Ҳакимзоданинг ашула тўпламлари ҳақида; 7)Ҳошимова М. Ҳамза Ҳакимзоданинг илк драматик ижоди; 8)Олимов М.Ҳамза Ҳакимзоданинг “Ғолибият” драмаси ҳақида; 9)Расулов Т. Ҳамза поэзиясида сатира;10) Расул Ҳ, Ражабов И. Ҳамза Ҳакимзода архивидаги материаллар ҳақида. Ҳамза ҳақида мақолалар. Тошкент, 1960 йил.
3. Зоҳидов В. Ҳамза ва Шарқ; Камол Ф. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ташкил топиши ва ривожда Ҳамзанинг роли. Ҳамза ҳақида мақолалар. Тошкент, 1960 йил.
4. Бобохонов А. Ҳамза Ҳакимзоданинг педагогик ғоялари. Тошкент, 1960 йил.
5. Бозоров У.Б. Ҳамза ижодининг ғоявий асослари. Тошкент, 1960 йил.
6. Ражабов Қ. Ҳамзанинг сирли ўлими, Ҳамза ва XX аср ўзбек адабиёти. Фарғона, 2019 йил; Хонкулов Ш. Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўрни. Фарғона 2023.
7. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 4-жилд, Т., 1989 йил, 294-бет
8. Бозоров У.Б. Ҳамза ижодининг ғоявий асослари. Тошкент, 1960 йил.
9. Хонкулов Ш. Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракатида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўрни. Фарғона 2023.
10. Ҳ.Ҳ. Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 4-жилд, Т., 1989 йил, 294-бет
11. Ҳ. Ҳ. Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 4-жилд, Т., 1989 йил, 295-бет.
12. Ҳ. Ҳ. Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 4-жилд, Т., 1989 йил, 295-бет
13. Ҳ. Ҳ. Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 4-жилд, Т., 1989 йил, 241-245-бетлар.
14. Ҳ. Ҳ. Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 4-жилд, Т., 1989 йил, 241-245-бетлар.
15. Ҳ. Ҳ. Ниёзий, ТАТ, 5 жилдлик, 4-жилд, Т., 1989 йил, 294-бет.

## МУНДАРИЖА

| <b>“ЖАДИДЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК МЕРОСИ: ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ МАЪРУЗАЛАРИ.</b> |                                                                                                                                                                     |     |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 1.                                                                                                                                        | <b>КИРИШ СЎЗИ</b><br>Фарғона политехника институти ректори, техника фанлари доктори Саломов Ўктам Рахимович.                                                        | 3   |
| 2.                                                                                                                                        | <b>ЖАДИДЛАРНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯСИ: МУХТОРИЯТДАН МУСТАҚИЛ МИЛЛИЙ ДАВЛАТГА</b><br>Темур Хўжаўғли (Туркия).                                                            | 7   |
| 3.                                                                                                                                        | <b>ХОРАЗМДАГИ ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ҲАМДА ЁШ ХИВАЛИКЛАР ФАОЛИЯТИ.</b><br>Қахрамон Ражабов.                                                                            | 20  |
| 4.                                                                                                                                        | <b>ИСТОРИЧЕСКАЯ ПАРАЛЛЕЛЬ: КОЛОНИАЛЬНАЯ И ДЖАДИТСКАЯ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В ЮЖНОМ РЕГИОНЕ КАЗАХСТАНА.</b><br>Турсун Хазретали Маханулы. (Қозоғистон).                | 27  |
| 5.                                                                                                                                        | <b>ҚЎҚОН ТАРАҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ “ЮРТ” ЖУРНАЛИДА ЖАДИДЧИЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.</b><br>Б.В. Ҳасанов.                                                               | 35  |
| <b>I - ШЎҒБА. ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИКНИНГ МАЙДОНГА КЕЛИШИ ВА ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ.</b>                                                     |                                                                                                                                                                     |     |
| 6.                                                                                                                                        | <b>ROLE OF JADIDISM IN TURKESTAN REGION.</b><br>Abuzar Khairi. (Ҳиндистон)                                                                                          | 41  |
| 7.                                                                                                                                        | <b>ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ К.ХОДЖИКОВА В СТАНОВЛЕНИИ КАЗАХСКОГО ИНСТИТУТА ПРОСВЕЩЕНИЯ В ТАШКЕНТЕ.</b><br>Тилеукулов Г.С. (Қозоғистон)                                          | 47  |
| 8.                                                                                                                                        | <b>ХУЖАНДЛИК МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИД.</b><br>Усанов Равшан Тураевич, Содиқова Башорат Туймухамедовна, Усанова Гулрухсор Равшановна. (Тожикистон)                       | 67  |
| 9.                                                                                                                                        | <b>ФАРҒОНАДА ВОДИЙСИДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ.</b><br>Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович.                                                                                  | 75  |
| 10.                                                                                                                                       | <b>ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ҚУРБОНЛАРИНИ РЕАБЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ТАРИХИДАН.</b><br>Рустамбек Шамсутдинов, Соибжон Ҳошимов, Нигорахон Акбарова.                                 | 83  |
| 11.                                                                                                                                       | <b>ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ ЗАРАРЛИ УРФ-ОДАТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИ ТАРИХИДАН.</b><br>(Маҳмудхўжа Бехбудий ва Ҳожи Муин мақолалари мисолида)<br>Хайитов Шодмон Аҳмадович. | 92  |
| 12.                                                                                                                                       | <b>ТУРКИСТОН ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЮКСАЛИШИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ).</b><br>М.М.Хайдаров.                                       | 98  |
| 13.                                                                                                                                       | <b>ЖАДИДЧИЛИК ФАЛСАФАСИ.</b><br>Тўхтаров И. М.                                                                                                                      | 107 |
| 14.                                                                                                                                       | <b>“САДОИ ТУРКИСТОН” ГАЗЕТАСИДА МАОРИФ МУАММОЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ТАРИХИДАН.</b><br>Юсупов Аъзамжон Абдулладжанович.                                                  | 115 |
| 15.                                                                                                                                       | <b>ОБИДЖОН МАҲМУДОВ – ТУРКИСТОНЛИК БИРИНЧИ ТОҒ-КОН</b>                                                                                                              | 122 |

|                                                                                                                                             |                                                                                                                                                                                                                           |     |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
|                                                                                                                                             | <b>МУҲАНДИСИ.</b><br><b>Феруза Саъдуллаевна Амонова.</b>                                                                                                                                                                  |     |
| 16.                                                                                                                                         | <b>БУЮК МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИД.</b><br><b>Азимжон Давронов.</b>                                                                                                                                                             | 130 |
| 17.                                                                                                                                         | <b>IX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА</b><br><b>ЖАДИДШИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ТАНИҚЛИ НАМОЁНДАЛАРИ</b><br><b>(С.МАЖИДОВ МИСОЛИДА)</b><br><b>Қудияров Алишер Раметуллаевич, Алимбетов Аңсатбай Кеунимжаевич</b> | 138 |
| 18.                                                                                                                                         | <b>АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “ЭЛ АДАБИЁТИ” ТАРҒИБОТИ ҒОЯСИ.</b><br><b>Сатторов Улугбек Файзуллаевич.</b>                                                                                                                        | 144 |
| <b>II - ШҮЪБА. ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРНИНГ МИЛЛИЙ</b><br><b>ДАВЛАТЧИЛИКНИ ТИКЛАШ УЧУН ҲАРАКАТЛАРИ ВА ТУРКИСТОН</b><br><b>МУХТОРИЯТИ ФАОЛИЯТИ.</b> |                                                                                                                                                                                                                           |     |
| 19                                                                                                                                          | <b>ЖАДИДЛАРНИНГ МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА</b><br><b>МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИКНИ ТИКЛАШ УЧУН ҲАРАКАТИ</b><br><b>Агзамходжаев Саидакбар Саидович.</b>                                                                          | 151 |
| 20                                                                                                                                          | <b>ТУРКИСТОН ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК</b><br><b>КУРАШИ ҒОЯЛАРИ</b><br><b>Рашидов Ойбек Расулович</b>                                                                                                         | 158 |
| 21                                                                                                                                          | <b>ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ ҲАРБИЙ ҚАРАШЛАРИ.</b><br><b>Дилноза Жамолова.</b>                                                                                                                                              | 166 |
| 22                                                                                                                                          | <b>XAMZA SHAXSIYATI: TARIXIY HAQIQAT VA ZAMONLAR TALQINI.</b><br><b>Xonqulov Shavkatjon Xursanaliyevich.</b>                                                                                                              | 173 |
| 23                                                                                                                                          | <b>TURKISTON O'LKASIDA TEATR SANATI VA XALQNI MADANIY-</b><br><b>MARIFIY RUHDA TARBIYALASHDA JADIDLARNING O'RNI.</b><br><b>Sharafiddinov Abdugaffor.</b>                                                                  | 185 |
| 24                                                                                                                                          | <b>ALIXONTORA SOG'UNIYNING ASARLARI MAZMUNI.</b><br><b>Azimov Ulugbek Abdusalilovich.</b>                                                                                                                                 | 192 |
| 25                                                                                                                                          | <b>ЖАДИДЛАР СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР.</b><br><b>Абдукаримов Жамолiddин Аҳмадалиевич, Содиқова Башорат</b><br><b>Туймухамедовна, Усанов Бахтиёр Равшанович. (Тожикистон)</b>                                    | 197 |
| 26                                                                                                                                          | <b>MUHOJIR JADIDLARNING “YOSH TURKISTON” JURNALI .</b><br><b>Muslimbek Alijonov.</b>                                                                                                                                      | 210 |
| 27                                                                                                                                          | <b>ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ</b><br><b>ДАВЛАТЧИЛИКНИ ТИКЛАШ УЧУН ҲАРАКАТЛАРИ.</b><br><b>Машхура Адилжон қизи Дармонова.</b>                                                                           | 217 |
| 28                                                                                                                                          | <b>ЮНУСЖОН ҲОЖИ ОҒАЛИҚОВ</b><br><b>Баҳром Ирзаев</b>                                                                                                                                                                      | 224 |
| 29                                                                                                                                          | <b>ЖАДИДЛАР МЕРОСИДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР</b><br><b>МАСАЛАСИ</b><br><b>Сейтимбетова Н.</b>                                                                                                                           | 229 |
| 30                                                                                                                                          | <b>МАХМУДҲҲЖА БЕҲБУДИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ - МАЪРИФИЙ</b><br><b>ҚАРАШЛАРИ</b><br><b>Мамадалиев Немат Қахорович</b>                                                                                                               | 234 |
| <b>III - ШҮЪБА. ЖАДИД МАКТАБЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК</b><br><b>МЕРОСИ</b>                                                              |                                                                                                                                                                                                                           |     |
| 31                                                                                                                                          | <b>БУХОРОДА ЖАДИДЛАР ТОМОНИДАН МИЛЛИЙ ТЕАТР ВА КИНО</b><br><b>САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ</b>                                                                                                                                  | 241 |